



МИНТАҚАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ДИНАМИКАСИДА САВДО ХИЗМАТЛАРИ САЛМОҒИНИ ТАРКИБИЙ БАҲОЛАШ

PhD Махматқулов Голибжон Холмуминович

Иқтисодиёт ва педагогика университети

ORCID: 0000-0003-3717-172X

gmaxmatqulov11@mail.ru

Аннотация. Мақолада минтақада савдо тармоғида бандлар сони ва чакана савдо товар айланмаси ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги, Минтақада савдо корхоналарининг сонининг ўзгариш тенденцияси нафақат чакана савдо товар айланмаси, Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти динамикасининг нисбийлик кўрсаткичи ҳамда савдо тармоғининг нисбийлик даражаларини таққослаш минтақанинг умумий ва хусусий иқтисодий салоҳиятини баҳолаш кўрсатилган.

Калит сўзлар: мамлакат, савдо хизматлари, салоҳият динамикаси, эконометрик моделлаштириш, баҳолаш, минтақада савдо ташкилотлари.

КОМПОЗИТНАЯ ОЦЕНКА ТОРГОВЫХ УСЛУГ В ДИНАМИКЕ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ МОЖНОСТИ РЕГИОНА

PhD Махматқулов Голибжон Холмуминович

Негосударственное образовательное учреждение

«Университет экономики и педагогики»

Аннотация. В статье показаны взаимосвязь между количеством предметов в торговой сети региона и оборотом розничной торговли, тенденция изменения количества торговых предприятий в регионе и не только оборота розничной торговли, показатель относительности динамики товарооборота. экономический потенциал Кашкадарьинской области, а также сравнение относительных уровней торговой сети, показана оценка общего и частного экономического потенциала региона.

Ключевые слова: страна, торговые услуги, динамика мощностей, эконометрическое моделирование, оценка, торговые организации региона.

COMPOSITE ASSESSMENT OF TRADE SERVICES IN THE DYNAMICS OF INCREASING ECONOMIC POWER OF THE REGION

PhD Makhmatkulov Golibjon Kholmuminovich

Non-state educational institution

"University of Economics and Pedagogy"

Annotation. The article shows the relationship between the number of items in the region's trading network and retail trade turnover, the trend of changes in the number of trading enterprises in the region and not only retail trade turnover, an indicator of the relativity of trade turnover dynamics. the economic potential of the Kashkadarya region, as well as a comparison of the relative levels of the trading network, an assessment of the general and private economic potential of the region is shown.

Key words: country, trade services, capacity dynamics, econometric modeling, assessment, trade organizations in the region.

Кириш.

Маълумки, мамлакат ёки унинг таркибий алоҳида минтақаларининг иқтисодий салоҳияти мавжуд иқтисодиёт тармоқларининг умумийлик принципини инкор этмаган ҳолда индивидуал ривожланиши ҳисобидан ошиб боради. Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларида ҳудудий ажралишлар таъсири кам бўлган, умумий хусусиятлари кўп жамланган иқтисодиёт тармоғи – бу хизматлар соҳаси бўлиб, айнан шу жиҳатига кўра бугунга келиб, унинг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги салмоғи ортиб бормоқда. Бу аналогияни минтақанинг иқтисодий салоҳияти ва савдо хизматлари боғлиқлиги кўринишида ҳам давом эттириш мумкин.

Савдо хизматлари тармоғининг шундай кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, улар бевосита мазкур иқтисодиёт тармоғининг ривожланиш даражасини, минтақадаги ҳолатини баҳолаш учун асосий белгиларни ҳисоблаш имкониятини беради. Шунингдек, тармоқнинг минтақадаги жами ЯИМ даги салмоғини шакллантирувчи ҳисобланишади.

Адабиётлар шарҳи.

Савдо хизматлари тармоғининг барқарор ривожланиш шарт-шароитлари ўрганган хорижий олимлар Vishal Gaur, Marshall Fisher, Ananth Raman, (2005) аксарият тадқиқотларда товар айланмаси кўрсаткичи марказий белги сифатида қарайди.

Асосан кўп сонли чакана савдо фирмалари молиявий маълумотлари асосида товар айланмаси кўрсаткичининг бошқа кўрсаткичлар билан эмпирик боғлиқлиги тадқиқ этилади. (Sukhanova, Shirnaeva, Repina, 2019). Шунингдек, чакана савдо айланмаси энг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич сифатида қаралиб, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ҳамда турмуш даражасини акс эттирувчи асосий характердаги омил сифатида баҳоланади.

Мамлакатимизда савдо хизматларини ривожлантириш юзасидан иқтисодчи олимлар бир қанча илмий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, Ғуломов (1992), Рузметовларни (1998) киритиш мумкин. Улар ўз илмий ишларида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш масалаларига, хизматлар соҳасини, жумладан, савдо хизматларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёндашганлар.

Иқтисодчи олим (Соатов, 2019) Ташқи савдо балансини ўртнатиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашади. Ташқи савдо инфляция жиддий ўсишининг олдини олиши билан бирга ички савдода маҳсулот сифими ва турини ошишига, провардида унинг ҳажмининг ошишига таъсир этади.

Тадқиқот методологияси.

Мақоланинг мақсади минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш динамикасида савдо хизматлари салмоғини таркибий баҳолаш, Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти динамикаси ва ҳудудий савдо тармоғи таркибий кўрсаткичларининг нисбийлик даражалари ўрганишдан иборат.


Ушбу мақола мавзусини ёритишда корреляцион-регрессион таҳлил, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш, таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Минтақанинг иқтисодий салоҳияти натижавий кўрсаткичи сифатида ҳисобланган улушлар сўнги йигирма икки йил давомида нотекис тенденция ҳосил қилади. Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти эгри чизиғи бу даврда 5 та узвий монотонлик қисмига ажралади. Жумладан, минтақанинг иқтисодий салоҳияти кўрсаткичи 2000-2003 йилларда ўсиш, 2004-2009 йилларда нисбий барқарор, 2010-2013 йилларда камайиш, 2014-2017 йилларда нисбий барқарор, 2018-2021 йилларда

камайиш билан бошланган нисбий барқарор тенгденциясига эга бўлмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, 2003 йилда энг максимал қиймат кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 7,5 фоизга, 2021 йилга нисбатан 21,8 фоизга юқори бўлиб, шунингдек, энг минимал кўрсаткич 2019 йилда кузатилиб 2000 йилга нисбатан 87,4 фоизни, 2004 йилга нисбатан 81,3 фоизни ташкил этган.



1-расм. Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти динамикасининг нисбийлик кўрсаткичи (2000-2021 й.й.)

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

Статистик маълумотлар минтақанинг иқтисодий салоҳиятида пасайишлар интервали кўп кузатилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз ўрнида минтақа иқтисодий салоҳиятини ошириш йўллари тадқиқ этишнинг бугунги кунда долзарблик даражаси ортиб бораётганлигини билдиради. Бу жараёнда салоҳият белгисига бевосита эмас балки билвосита таъсир этувчи элементларни аниқлаш жуда муҳимдир. Яъни, тўғридан-тўғри таъсир этувчи кўрсаткични яхшилаш, унга таъсир этувчи бошқа кўрсаткичларнинг яхшиланишини талба этади. Бу ерда савдо хизматлари ҳажми ва чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичларига таъсир этувчи ички омиллар назарда тутилмоқда. Умуман олганда, савдо ҳажми ва чакана товар айланмаси кўрсаткичи ўзига хос иқтисодий муҳимлик касб этиб, уларнинг динамикасига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш, ушбу кўрсаткичларни яхшилашнинг мумкин бўлган имкониятларини баҳолаш минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш имкониятларини баҳолашга ёрдам беради (Махматкулов, 2022, 2023; Жўраев, 2023).

Кўриш мумкинки, минтақанинг иқтисодий салоҳияти динамикаси нисбийлик кўрсаткичи, чакана савдо айланмаси ва савдо хизматлари ҳажми билан кучли корреляцион боғлиқликка эга. Шунингдек, бу боғлиқликлар ўзаро тескари бўлиб, тўғридан-тўғри олиб қараганда, минтақанинг ўринли эмасдек кўринади. Аслида бу боғлиқлик кўриниши минтақада иқтисодий ҳолатнинг яхшиланишга муҳтожлигини англатади дейиш мумкин. Чунки, иқтисодий салоҳият кўрсаткичи минтақада сўнги йиллар декадасида сезиларли даражада пасайиб кетган. Бошқача айтганда, бу боғлиқликнинг йўналиши шуни англатадики, минтақада қайси иқтисодиёт тармоғида ўсиш темпи паст бўлса, унинг иқтисодий салоҳияти билан бир хил йўналишда, яъни корреляция коэффициенти мусбат қиймат, аксинча ҳолатда манфий қабул қилади. Минтақадаги савдо хизматлари ҳажмининг бир бирлик ўзгаришига минтақанинг иқтисодий салоҳияти динамик нисбийлиги $-0,0013$ бирликга шунингдек, минтақанинг чакана товар айланмаси ҳажмининг бирлик ўзгаришига $-0,0015$ бирлик ўзгариши мос келади.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти иқтисодий салоҳияти динамикаси нисбийлиги ва унга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг реал қийматлари

Йиллар t	Кўрсаткичлар			Лагли қийматлар		
	IEC_t	VTS_t	RTI_t	IEC_{t-1}	VTS_{t-1}	RTI_{t-1}
2000	8,7	120,96	120,84	-	-	-
2001	8,8	134,63	140,78	8,7	120,96	120,84
2002	9,2	148,63	150,22	8,8	134,63	140,78
2003	9,4	161,71	164,34	9,2	148,63	150,22
2004	8,9	167,70	164,34	9,4	161,71	164,34
2005	9,0	183,79	166,80	8,9	167,70	164,34
2006	9,0	199,42	186,98	9,0	183,79	166,80
2007	9,0	218,76	206,06	9,0	199,42	186,98
2008	9,1	252,89	245,62	9,0	218,76	206,06
2009	9,1	287,03	283,94	9,1	252,89	245,62
2010	8,8	342,71	342,71	9,1	287,03	283,94
2011	8,7	404,40	435,93	8,8	342,71	342,71
2012	8,5	491,75	521,80	8,7	404,40	435,93
2013	8,3	576,33	619,38	8,5	491,75	521,80
2014	8,3	680,64	696,19	8,3	576,33	619,38
2015	8,3	803,84	776,94	8,3	680,64	696,19
2016	8,2	975,86	889,60	8,3	803,84	776,94
2017	8,2	977,81	890,49	8,2	975,86	889,60
2018	7,9	1024,75	918,99	8,2	977,81	890,49
2019	7,6	1089,31	971,76	7,9	1024,75	918,99
2020	7,7	1133,97	1076,42	7,6	1089,31	971,76
2021	7,7	1249,63	1167,86	7,7	1133,97	1076,42

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган бўлиб, миқдорлар 2010 базис йилга нисбатан реал қийматларда акс этган.

Бошқача айтганда, минтақанинг иқтисодий салоҳияти динамик нисбийлигининг пасайишига савдо хизматлари соҳасидан бошқа иқтисодиёт тармоқларининг таъсири катта бўлиб, 92 фоизни ташкил этади ((2.13) ва (2.14) моделда эластиклик коэффиценти -0,08 га тенг). Қуйида (2.10) ва (2.12) динамик моделлар параметрлари ва адекватлик кўрсаткичлари келтирилган (1-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилояти иқтисодий салоҳиятининг савдо хизматлари ҳажми ва чакана товар айланмасига боғлиқ авторегрессион модел параметрлари ва адекватлик қийматлари

Параметрлар (коэффициентлар)	t-статистика	Адекватлик кўрсаткичлари				
		P-қиймат	R ²	F	DW	MAPE
$\alpha_0 = 9,8148$	4,819	0,0002	0,946	94,24	2,074	1,87
$\alpha_1 = -0,0014$	-4,947	0,0001				
$\delta_{11} = 0,3887$	1,866	0,0806				
$\delta_{12} = -0,4430$	-2,428	0,0274				
$\beta_0 = 10,1527$	5,020	0,0001	0,949	99,24	2,106	1,93
$\beta_1 = -0,0016$	-5,148	0,0000				
$\delta_{21} = 0,3143$	1,483	0,1574				
$\delta_{22} = -0,4002$	-2,290	0,0360				

Манба: муаллиф томонидан Gretl дастурида тузилган.

Жадвал маълумотларига таянсақ, натижавий катталикнинг (t-1) momentiдаги ўзининг ўзгаришига таъсири аҳамиятсиз бўлиб қолмоқда. Шу сабабали (t-2) momentiдаги ўзининг ўзгаришига таъсири бўйича оралиқ мультипликаторини ҳисоблаймиз. Натижада (t+2) вақт momentiда натижавий катталикнинг умумий абсолют ўзгариши 0,00062 бирликга тенг бўлиб, минтақанинг иқтисодий салоҳияти динамикасининг нисбийлик кўрсаткичи жуда секин ўзгариш темпига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Худди шу хулосага иккинчи омил бўйича ҳам келиш мумкин. Унда оралиқ мультипликаторининг қиймати 0,00062 га тенг.

Минтақада савдо ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи вилоят чакана савдо товар айланмаси билан кучли корреляцион зичликга эга. Боғлиқлик даражаси 97 фоиздан юқори. Функционал боғланиш мавжуд дейиш мумкин. Иқтисодий жиҳатдан товар айланмасини амалга оширувчи меҳнат ресурслари айнан шу ходимлар ҳисобланишади. Тўғри меҳнат тақсимооти ҳамда унумдорлиги харажатлар қисқаришини таъминловчи омиллардан бири саналади. Меҳнат унумдорлиги ишчилар ойлиги миқдорига боғланган. Чунки савдо тизимида иш ҳақи одатда сотилган товар ва корхонанинг ойлик фойдасига билвосита боғланган. Демак, ходимлар иш ҳақи ортиб бориши чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг ортишига олиб келади. [8,9]

Қашқадарё вилоятининг ташқи савдо айланмаси ҳажми чакана савдо товар айланмаси билан корреляцион боғланиши 0,96 га тенг. Зичлик жуда юқори. Ташқи савдо айланмаси барқарор иқтисодиёт асоси ҳисобланади. Иқтисодчи олимлар ташқи савдо балансини ўртнатиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашади. Ташқи савдо инфляция жиддий ўсишининг олдини олиши билан бирга ички савдода маҳсулот сифими ва турини ошишига, провардида унинг ҳажмининг ошишига таъсир этади.


Минтақада шаҳар аҳолисининг сони, умуман аҳоли сонининг ортиши чакана савдо товар айланмасига таъсир кўрсатади. Аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг ўсиш тенденциясида шубҳасиз аҳоли сонининг ўсиши бирламчи омилдир. Минтақада кўпгина савдо корхоналари шаҳарларда жойлашганлигини инobatга олинса шаҳар аҳолисининг таъсир доираси янада ортади. Чакана савдо товар айланмаси ҳажми билан шаҳар аҳолиси сони ўртасидаги корреляцион боғлиқлик даражаси жуда юқори бўлиб, 91 фозни ташкил этади (Махматкулов, 2019, 2022).

Минтақада савдо тармоғида бандлар сони ва чакана савдо товар айланмаси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик жуда юқори бўлиб, функционал боғлиқликни вужудга келтирган. Боғланиш даражаси 97 фоиз савдо корхоналари фаолиятининг самарадорлиги савдо жараёнида нафақат сифатли товарларни тақдим этиш балки, савдо хизматларининг юқори даражада сифатли бўлишига, савдо ходимлари томонидан амалга оширилган вақтга боғлиқ савдо ҳажмига ҳам боғлиқдир. Шу сабабли сифатли ва унумли савдо хизмати ходимларнинг сонига бевосита боғлиқ бўлиб қолаверади.

Минтақада савдо корхоналарининг сонининг ўзгариш тенденцияси нафақат чакана савдо товар айланмасига, балки юқорида келтирилган барча кўрсаткичлар билан ўрта даражада корреляцион боғлиқлик ҳосил қилмоқда. Хусусан, натижавий катталик билан корреляцион зичлик 0,62 га тенг. Минтақада савдо корхоналарининг сони 2021 йилда 2010 йилга нисбатан 161,2 фоизни, 2000 йилга нисбатан 224,7 фоизни ташкил этмоқда. Энг юқори ўсиш суръати чакана савдо товар айланмаси ҳажми ҳамда савдо ходимларининг ўртача ойлик реал иш ҳақига тўғри келмоқда. Ташқи савдо айланмаси ҳажми, чакана савдо товар айланмасидан кичик тезликдаги ўсишга эга эканлигининг энг асосий сабаби, маҳсулотларнинг охириги харидорга етиб боришида бир неча бор товар маҳсулотга қайта айланишидир. Бу айниқса импорт маҳсулотларида жуда кўп учрайдиган ҳолат. Шаҳар аҳолиси сонининг ўсиши табиий ижтимоий характерга эга бўлиб, товар кўпхиллиги ва нархлар ўсишининг нормал ҳолати таъминланмаса, унинг савдо корхоналарига боғлиқ жиҳати камайиб кетади. Савдо ходимлари сонининг сўнги йигирма икки йиллик ўсиш тенденцияси бошқа кўрсаткичларга нисбатан унчалик

юқори эмас. Шунингдек, корхоналар сонининг ўсиш суръати ходимлар сони ўсиш темпидан биров юқори. Бунинг асосий сабаби асосий янги фаолият бошлаган савдо корхоналари микро фирмалар кўринишида бўлиб, айримлари йирик корхоналарнинг филиалидан иборат. Бошқача айтганда икки ҳолат, яъни янги иш ўринларининг етарлича ажратилмаганлиги, ҳамда янги кичик корхоналар ходимлари йирик корхона ходимлари ҳисобидан таъминланаётганлиги кузатилади. Бу эса савдо корхоналари сонининг ходимлар сонига кучли боғлиқликни юзага келишига имконият бермайди (Махматқулов, 2023; Рахимов, 2019)

Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти динамикасининг нисбийлик кўрсаткичи ҳамда савдо тармоғининг танланган макроиқтисодий ва бошқа кўрсаткичлари динамикасининг нисбийлик даражаларини таққослаш минтақанинг умумий ва хусусий иқтисодий салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Қуйидаги расмда, минтақанинг ЯХМ ҳажми, чакана савдо товар айланмаси ҳажми, ташқи савдо айланмаси ҳажми, минтақада шаҳар аҳолисининг сони, савдо тармоғида бандлар сони бўйича нисбийлик даражаларининг ўзгариш тенденцияси келтирилган (2-расм).



2-расм. Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти динамикаси ва ҳудудий савдо тармоғи таркибий кўрсаткичларининг нисбийлик даражалари (2000-2021 й.й.)

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган

Нисбийлик даражаларининг йиллар кесимидаги эгри чизиғига эътибор қаратилса, Қашқадарё вилоятининг ЯХМ ҳажми бўйича нисбий кўрсаткичлар чизиғи (1) да пасайиш, чакана савдо товар айланмаси ҳажми бўйича нисбий кўрсаткичлар чизиғи (2) да ўсиш характери кузатилади. Бу икки макроиқтисодий кўрсаткичларнинг эмпирик боғланиши тадқиқ этилганда улар орасида абсолют жиҳатдан $-0,0015$ бирлик ўзгариш қонунияти мавжудлиги аниқланган эди. Минтақанинг чакана савдо товар айланмаси ҳажми бўйича нисбийлик даражаси нисбатан барқарор ўзгаради. Энг катта оғиш узунлиги 1,4 га тенг (максимум-7,2, минимум – 5,8). ЯХМ ҳажми бўйича нисбийлик даражаси секин пасайиш билан ўзгариб оғишнинг энг катта узунлиги 1,7 га тенг (максимум – 9,4, минимум – 7,7). Тебраниш нисбатан катта. Демак, минтақанинг иқтисодий салоҳияти савдо тармоғида барқарорлик кузатилганда доимий $-0,0015$ бирликга пасайиш билан баҳоланмоқда. Шу билан бирга моделлаштириш натижаларига кўра чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг 1 фоиз ортиши ЯХМ ҳажмининг 0,47

фоизга ошишини ҳисобга олинса, бу иқтисодий ўсишнинг нисбий тезлиги минтақанинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун етарли эмаслиги маълум бўлмоқда. Бу эса биринчи жиҳатдан, чакана савдо товар айланмаси ҳажмининг ўсишига таъсир этувчи омиллар орасида минтақанинг иқтисодий салоҳияти нисбийлик даражасига мос тенденцияли, яъни параллел йўналган нисбийлик даражасига эга омилни биринчи ўринда яхшилаш зарурлигини англатади. Нисбийлик даражалари чизиқларига эътибор берилса минтақанинг ташқи савдо айланмасининг ҳажми бўйича олинган эгри чизиқ ЯХМ ҳажми бўйича олинган эгри чизиқ билан кесишмайди.

Хулоса ва таклифлар.

Минтақада салбий салдо кузатилишига экспорт ҳажмининг камайиши, импорт ҳажмининг ўсиши билан характерланувчи ўзгармас тебранишлар сабаб бўлмоқда. Ташқи савдо экспорт ҳажмини ошириш талаб этилади.

Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти динамикаси (ЯХМ ўзгариши) ва худудий савдо тармоғи таркибий кўрсаткичларининг нисбийлик даражалари ташқи савдо айланмаси ҳажми бўйича 1/1,43 нисбат билан, шаҳар аҳолиси сони бўйича 1/1,77 нисбат билан, савдо тармоғида бандлар сони бўйича 1/3,33 нисбат билан характерланади. Бу биринчи навбатда ташқи савдо индикаторларини яхшилашга эътибор қаратиш кераклигини асослайди.

Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Jo'rayev, F. D., Ochilov, M., Maxmatqulov G.X. A., Rakhimov, A. M., & Doliyev, S. Q. (2023). Algorithms for improving models of optimal control for multi-parametric technological processes based on artificial intelligence. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 460, p. 04013). EDP Sciences.

Maxmatqulov, G. K., & Malikova, N. T. (2019). Stochastic model activity system of rail transport. *European Science Review*, 1(1-2), 152-156.

Maxmatqulov, G. O. (2022). A complex systemic issue of the development of the network of trade services. *Development and innovations in science*, 1(16), 10-13.

Maxmatqulov, G. O. X. (2023). Savdo xizmatlari tarmog'ini rivojlantirish masalalariga tizimli yondoshuv. *Educational Research in Universal Sciences*, 2(10), 175-182.

Maxmatqulov, G. X. (2023). Savdo xizmatlarini innovatsion rivojlantirishning zamonaviy uslubiy yondoshuvlari. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(9), 378-386. Retrieved from <https://openidea.uz/index.php/idea/article/view/1312>

Muhammadiyevich, R. A. (2021). Residence and catering services to the population the importance of econometric modeling in regulatory assessment of consumer requirements to improve display quality. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 1043-1048.

Rahimov, A. (2023). Mehmonxona va umumiy ovqatlanish korxonalari faoliyatini ekonometrik modellashtirishda zamonaviy uslubiy yondashuvlar. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(6), 245-250.

Rakhimov, A. M. (2019). Important of bank deposit policy in expanding of the deposit base of commercial banks. *Экономика и бизнес: теория и практика*, (5-2), 198-200.

Sukhanova E.I., Shirnaeva S.Y., Repina E.G., (2019). Statistical Research and Modeling of Retail Turnover in the Russian Federation. *SHS Web of Conferences* 71, 02004. Volume 71, pag 4 <https://doi.org/10.1051/shsconf/20197102004>

Vishal Gaur, Marshall L. Fisher, Ananth Raman, (2005) An Econometric Analysis of Inventory Turnover Performance in Retail Services. *Management Science* 51(2):181-194.

Гулямов С.С. и др. (2016) Системный анализ эффективности производства в рыночных условиях. – Т.: “Мехнат”, Абдукаримов Б.А. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма.- Т.: Иқтисод-молия, 504 б.;

Махматқулов, Ғ. (2022). Аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолашда тренд моделларини танлаш мезонлари (қашқадарё вилояти мисолида). *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 381-386.

Махматқулов, Ғ. (2023). Савдо корхоналарининг инновацион фаолиятини эконометрик моделлаштириш. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(6), 33-38.

Рахимов, А. (2022). Аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ривожда ички ва ёндош тармоқларнинг таъсирини баҳолаш (қашқадарё вилояти мисолида). *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 397-402.

Рузметов Б.Р. (1998) *Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: 1998. - 39 с.; Курбанова Р.Ж. "Сервис корхоналарини модернизациялаш ва уларда хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш"*.

Соатов С.С. (2019) Ташқи савдо балансини баҳолаш мезонлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, 216-222 б /

Электрон манба: <https://pubsonline.informs.org/doi/10.1287/mnsc.1040.0298>